

«Муфтий минбари» номли янги рукн ташкил этилди



09:16 / 01.11.2021 3692

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг muslim.uz сайтида «Муфтий минбари» номли янги рукн ташкил этилди. Ушбу рукнда муфтий Нуриддин домла Холиқназаровнинг жума мавъизалари, файзли суҳбатлари, онлайн чиқишлари, таҳлилий мақола ва таъсирли аудио маърузалари эълон қилиб борилади.

Муфтий ҳазратлари томонидан мусулмонларнинг руҳий тарбиясини сайқаллайдиган, маънавий комилликка бошлайдиган, имону ихлосларини мустаҳкамлайдиган панду насихатларини ушбу янги очилган рукн орқали кузатиб боришингиз мумкин.